O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ БИЛАН СОБИТҚАДАМДИР

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган	2001 йил 20-26 феврал	№ 8 (212)	Сотувда эркин нархда

Муносабат

ҚОНУНГА ҲУРМАТ ҚАЛБИМИЗДА УЙҒОНСИН

«...Юртимизда яшаётган, ўз ўғил-қизларининг эртанги кунини ўйлайдиган ҳар бир инсон, ҳар бир ота-она барча қилаётган ишларим, аввало, келажакда ўрнимни босадиган фарзандим учун, зурриёдларимнинг бахту саодати учун, эзгулик учун деб билади.

Шу ният билан кўчат ўтказади, уй қуради, керак бўлса, бутун борлиғини бағишлайди, бола тарбиясини, унинг бекаму кўст вояга етиши, камол топишини ўз умрининг мазмуни деб ҳисоблайди», - деди Президентимиз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда.

Мен ота-оналарнинг кўнгил чироғи — ёшлар ҳақида, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, тадбиркорлик фаолиятини Конституциямиз асосида ўрганишга ҳаракат қилдим ва шу хусусда сўз юритмоқчиман.

Ҳуқуқий демократик жамият қурилишида ёшларнинг ўзига хос ўрни борлиги шубҳасиз. Хўш, ғоят мураккаб, зиддиятларга бой бугунги кунда суверен давлатимизнинг ёш фуқаролари ўй-фикрлари нималардан иборат, уларнинг дунёқараши, тафаккури қайси қадриятлар ҳисобидан бойитилмоғи зарур?

Тўғриси, саволга жавобни аввало, ёшларимиз, ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Ўзбекистон Конституциясини ўқиб — ўқиб олмоқлари, унинг мазмуни-моҳиятини дилга, онгга жо этмоқлари энг долзарб вазифадир, демоқдан бошлайман. Негаки, ундаги ғояларни амалга оширувчилар орасида ёшлар ҳам бор ва улар жамиятда етакчи ўрин тутишади. Аммо афсусуки, баъзи тенгдошларимиз қонуннинг куч-қудратини ҳали тўла англаб етмаганлар. Уларни билиш, ўқиб-ўрганишга интилишларида суслик мавжуд. Ҳолбуки, ҳуқуқий билим қанчалик мустаҳкам бўлса, инсон ўз фуқаролик ҳуқуқий ва мажбуриятларини жамият ва давлат олдидаги бурчини теранроқ англайди, унга риоя этиб яшайди, фаолият кўрсатади.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунда «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок эта бориб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида ўзларига берилган ҳуқуқлар ва эркинликларни рўёбга чиқара бориб:

«ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаб мурожаат қилишга;

давлат ва жамоат бирлашмаларининг ваколатли органлари бузилган ҳуқуқларини тиклашига ҳаклидирлар» деб кўрсатилган.

Ёшларнинг ҳуқуқий эркинлиги тўғрисида ўйлаганингда қонунларимизнинг ана шундай инсонпарварлик руҳида яратилганига ишонч ҳосил қиласан. Энди гап ҳар биримизнинг қонун билан қай даражада дўстлашувимиз, унга қай йўсинда риоя этишимизда қолади.

Фахр ила таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ёшлар учун алоҳида қонун ҳам мавжуд. У «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонундир. Унда жумладан, «Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир» дейилади.

Хуллас, қонун билан дўстлашиб, унга риоя этиб яшовчилар ҳеч қачон адашмайдилар. Мен билан бирга олий ўқув юртига кириш учун ҳужжат топширган дугонам бор эди. Тест синовларига астойдил тайёргарлик кўрди. Ўз кучи, билимига қаттиқ ишонган бўлса-да, афсуски озгина балл етмай, ўқишга қабул қилинмади. Анча пайт тушкунлик кайфиятида юрди. Мен ҳам унга қўшилиб изтироб чекдим.

Бир куни «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси»ни ўқиб-ўрганар эканман, 59-моддасида «Аҳолининг ишга жойлашишига кўмаклашиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги тизимининг тегишли органлари томонидан амалга оширилишини олдим.

Иш билан таъминлаш сиёсатини амалга ошириш борасидаги тадбирларни молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳамда меҳнат органларининг самарали фаолият кўрсатиши учун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати белгилаган тартибда иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ташкил этилади» деган сўзларни ўқиб дугонамнинг тақдири ҳақида ўйланиб қолдим.

Сўнг шу Қонун асосида иккаламиз ҳаракат қилдик. Дугонам Меҳнат Биржаси орқали стипендия тўлаб ўқитиладиган даргоҳда ҳунар ўрганди ва ишга жойлашиб кетди. Ҳозирда ўз ишидан, айниқса, унга тўғри йўл кўрсатиб, ёрдам берган ҚОНУНдан жуда-жуда миннатдор.

Ҳа, қонунларимизда ёшлар ҳуқуқи, эркинлиги, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш борасида ғамхўрлик етакчи ўрин тутади. Демак, Қонунни ўқиб-ўрганиш, унга таяниб иш тутиш ёшлар ҳаётида долзарб вазифа дейиш мумкин. Зеро, жамиятда эндиликда устворликни қонун эгаллар экан, қалбимизда унга ҳурмат туйғусини уйғота олишимиз зарур.

Мухтабар ҲУСАНОВА,
ТДЮИ 3-ҳуқуқ факультети
2-босқич талабаси



"Қудратимизга шубҳангиз бўлса, биз қурган биноларга боқинг".

Журналист суриштируви

ТЎРТ ЙИЛЛИК БОШҚОТИРМА

Ҳақиқат чала бўлмайди, дейишган машойихлар. Аммо...

Ноҳақлик, ғирромлик қилинган жойда меҳр-оқибат кўтарилади, кўнгил шишасига дарз кетади. Хатирчининг узоқ қир-адирлари оралиғида жойлашган Пачир қишлоғилик Ҳусановлар оиласи тўрт йилдирки, азият чекишади. Ҳақиқат қарор топар, деган умид илинжида уни кутишади. Афсус. Ҳақиқат чала қарор топган. Бундан кўнгли тасалли топмаган, Конституциявий ҳуқуқи поймол қилинганидан қалблари зада эр-хотин Шаҳодат ва Илҳомиддин Ҳусановлар мухбирлик пунктимизга арзнома битишибди.

Шаҳодат Ҳусанова қишлоқдаги 68-таянч мактабда фаррош бўлиб ишлайди. 1995 йилнинг 2 октябрида оиланинг саккизинчи фарзанди Мафтуна туғилади. Шаҳодат фарзанди икки ёшга тўлгунга қадар нафақали таътилга чиқади. Ёшларга адолат, ҳақиқат, одамларга меҳрли, инсофли, диёнатли бўлишдан сабоқ берувчи устозлар, ўқимишли раҳбарлар шу ерга келганда фикрлари оқсайди. 1997 йилнинг 1 апрелида Ўзбекиston Республикаси Меҳнат кодексининг 234-моддасини қўпол равишда бузиб, таътилда фарзанд парваришлаб ўтирган онани ишдан бўшатишади. Гўё штат қисқартирилганлиги асос қилиб олинади.

Қишлоқ билан туман маркази оралиғи қирқ чақиримдан ортиқ. Камида беш чақирим пиёда юриб, Жизмонсой қишлоғига етиб бориш керак. У ердан ҳар куни эрталаб бир марта Хатирчига автобус қатнайди. Оила бошлиғи Илҳомиддин Ҳусанов - ўқитувчи. У камгап, оғир тошли одамлар хилидан экан. Халқ таълими бўлимидагилар уни яхши танишади. Хотинимни ишга тиклар, деган умидда анча вақт истиҳола билан индамай юрган. Садо чиқмагач, қишлоқ билан халқ таълими бўлими орасида бўзчининг мокисидек қатнай бошлаган. Ҳатто йўл азобига қарамасдан бир марта хотини Шаҳодатни ҳам халқ таълими бўлимига олиб келган. Бўлимнинг ўша пайтдаги мудири Й.Кўчқоров, бош ҳисобчиси С.Хушмуродов, кадрлар бўлими назоратчиси Ж.Рашидова ҳамда аризачи эр-хотинлар ўртасида бўлиб ўтган кичик муҳокама йиғилиши ноҳақ ишдан ажралиб қолган аёлни ишга тиклай олмаган. Шундан кейин Ҳусановлар туман «Хатирчи ҳаёти» газетаси таҳририятига шикоят ёзишади. Газетанинг 1999 йил 2 апрел сонида «Фаррош аёлни нега ишдан бўшатишди ёхуд туман халқ таълими бўлимидаги баъзи қонунбузарликлар хусусида» сарлавҳали бир саҳифалик мақола босилиб чиқади. Мақолада ёзилишича, туман газетаси мухбири Т.Абдиев ушбу шикоятни ўрганиш учун халқ таълими бўлимига жуда кўп қатнаган, қаршиликларга учраган. Воқеаларни ойдинлаштириш оралиғида бўлим мутасаддилари Шаҳодат Ҳусановани ишга тиклаганлар. Қарангки, фаррош аёлни ҳеч бир ёзма буйруқсиз оғзаки равишда иш ўрнини қисқартиришган экан. Туман газетаси аралашуви билан Ш.Ҳусанова ишга тикланган. Бироқ газетада қайд этилган ишчи аёлнинг ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа пулини ололмаганлиги ижобий ҳал этилмаган. Бундан ташқари мухбир Т.Абдиев бола икки ёшга тўлгунга қадар Ш.Ҳусановага берилиши керак бўлган нафақа пулларини тўлиқ ололмаганлик сабабларини билиш мақсадида тўлов варақаларини суриштирган.

«Ҳали архивга ўтган, ҳали бош ҳисобчининг хонасида дейишиб уларни кўрсатмасликка уриндилар, - деб ёзилади газетада. - Бир амаллаб 1997 йил апрел, май, июн ойларининг тўлов варақаларини кўздан кечирдик.

- Булар менинг ҳам, хотинимнинг ҳам имзолари эмас, - дейди И.Ҳусанов ажабланиб. - Умуман бу пулларни ким олганини билмайман».

Ҳамкасбимиз билан суҳбатлашдик. Т.Абдиев барча ҳужжатлар ўзида сақланаётганлигини айтди.

- Газета чиқишидан кейин туман прокуратурасига хат қилгандик, - деди Т.Абдиев. - Билмадим, негадир...

Туман газетасининг чиқишидан кейин бир ярим йил давомида Ҳусановлар ҳақиқат чала бўлмас, кимдир имзо чекиб олган нафақа пулларини қайтариб беришар, декрет пулини ҳам тўлаб қолишар, деган илинжда йўл қарашган. Қанийди, лоқайдлик деган касаллик бўлмаса-ю, одамлар ундан азият чекишмаса. Илҳомиддин Ҳусановни хотининнинг нафақа пулларини талаб қилаётгани ҳисобчи Ш.Гадоевга зил-айилдек оғир ботган экан.

- Мана, қўлимда маълумотнома, - дейди бизга Ш.Гадоев. - Шаҳодат Ҳусанованинг Олтинсой қишлоқ шифохонаси туғруқхонасида кўзи ёримаганлиги тўғрисида. Мен ҳомиладорлик касаллик варақасини олган эмасман. Агар олганимда ишлаб берардим. Нима чўнтагимдан тўлаяпманми?

Қишлоқ шифохонаси бош ҳакими Б.Холиқулов бу жанжал кўпдан буён борлигини айтди.

- Мен кейин бош ҳаким бўлиб келганман, - деди у. - Касаллик варақалари қайд қилиш дафтарида Шаҳодат Ҳусанова ёзилмаган.

Касаллик варақалари қайд қилиш дафтаридан қидириб, Ш.Ҳусанованинг исм-фамилиясини биз ҳам тополмадик.

- Бундай бўлиши мумкин эмас, - дейди И.Ҳусанов. - Газета танқидидан кейин дўхтирлар билан келишиб, Ш.Гадоев дафтарни алмаштириб юборган.

Биз И.Ҳусановнинг даъвосини қувватламоқчи эмасмиз. Бунга ҳаққимиз ҳам йўқ. Лекин И.Ҳусановни тушуниш керак. Хотинини ноҳақ ишдан бўшатилганлиги, кимдир имзо чекиб уч ойлик нафақа пулини ўзлаштирганлигидан ҳеч кимга ишонмай қўйган. Бироқ шуниси аниқ бўлдики, халқ таълими бўлими ҳисобхонасида касаллик варақаларини ҳисоб-китоб қилишда пухталик етишмайди. Мактаб, мактабгача тарбия, мактабдан ташқари муассасалардан ҳар ойда топшириладиган иш ҳақи табелига касаллик варақаси ҳам қўшиб ҳисобхонага берилади. Касаллик варақаси ҳисоб-китоб қилиб бўлингач, ҳисобчи томонидан алоҳида очилган дафтарга кимга, неча кунга, қандай рақамли касаллик варақаси билан қайд этилганлиги ёзилса юқоридагидек ғашга тегувчи, асабларни эговловчи воқеалар содир бўлмайди. Бўлим ҳисобхонасида бу ишга ҳеч ким эътибор қилмаган. «Мендан кетди, эгасига етди» қабилида иш тутишган.

- Шу йилдан эътиборан касаллик варақаларини ҳисобга оладиган дафтар ташкил қилдим, - дейди бош ҳисобчи Исмоил Тотлиев. - Энди бундай камчиликларга барҳам берамиз.

Халқ таълими бўлими ҳисобхонасининг 1998 йил охирига қадар бўлган ҳужжатлари туман архивига ўтказилган экан. Бош ҳисобчи И.Тотлиев ҳамда И.Ҳусановлар билан архивга бордик.

- Иш ҳақи табели ва тўлов варақалари сақланиш муддати бир йил, - деди архив бошлиғи Иброҳим Раҳмонов. - иш ҳақи ҳисоблаш варақасига тушган бўлса табел ва тўлов варақалари сақлаб турилмайди.

Бўлим томонидан архивга топширилган иш ҳақи ҳисоблаш варақасининг Шаҳодат Ҳусановага доир қисмида 1995 йил сентябр ойидан кейин ҳеч нарса ёзилмаган. Ахир, туман газетаси таҳририятига берилган маълумотномада Ш.Ҳусанова 1995 йил октябр ойидан 1997 йил ноябригача 18025 сўм миқдорида нафақа олганлиги (1997 йил апрел, май, июн ойлари нафақасини бошқалар ўзлаштирган бўлса-да) ойдай равшан қилиб ёзилган-ку? Буни Ҳусановлар ҳам тасдиқлаб туришибди. Буёғи қандоқ бўлди?

Ҳисобчи Шодиёр Гадоев Шаҳодат Ҳусановага тўланган нафақа суммаларини архивга ўтказилган тўлов варақаларига атайлаб ёзмаган, деган хулоса чиқади. Масалан, 63-мактабдан Лола Файзуллаевага ҳомиладорлик варақаси пули, фарзандига парваришлаш учун тўланган икки йиллик нафақа суммалари аниқ қилиб ёзилган. Ш.Ҳусановага тегишли суммаларнинг қайд қилинмаганлиги жиноятни яшириш мақсадида қасддан қилинган ишга ўхшаброқ кетади. Агар Ш.Ҳусанованинг ўрнига тўлов варақасига бошқа бир кимса (пулни мактаб директори тарқатади) имзо чеккан бўлса, Ш.Гадоев архивга ўтказилаётган ҳужжатларда суммани нега тушириб қолдирди? Бу билан аёл - онага нисбатан шафқатсизлик қилинган. Чунки вақти-соати келиб, Ш.Ҳусанова кексалик нафақасига чиқадиган бўлса, пенсия миқдори камаяди.

Ҳисобчи Ш.Гадоев касб масъулиятидан бенасиб қолган кўринади. У газетада босилган танқиддан тўғри хулоса чиқариб, камчиликларни тузатиш ўрнига ўзига сув юқтирмасликка тиришади. «Агар озроқ харажат қилиб, мухбирнинг кўнглини олганимизда, газетада чиқмасдик» дейди Т.Абдиевни асоссиз қоралаб.

Одамзотнинг табиати қизиқ-да. Бир ёнда И.Ҳусанов хотининнинг ҳақ-ҳуқуқи учун жон куйдирса, бир томонда Ш.Гадоев билан кадрлар бўлими назоратчиси Ж.Рашидова аризачини ёмонотлиққа чиқариш мақсадида бисотларида қанча пичинг, фисқи-фасод бўлса ҳаммасини тўкиб солишди.

Жамила Рашидованинг айтишича, Шаҳодатнинг ўрнига турмуш ўртоғи И.Ҳусановнинг ўзи югуриб юргани унчалик ҳам тўғри эмас эмиш. Қаранг-а, бир оиланинг икки аъзоси ҳам югурсин экан-да. Аёл кишининг шунча масофадан қатнаши осонми? Хўш, Ш.Ҳусанованинг талаби шунча вақтдан бери қондирилмабди, энди ўзи қатнаганда бирон ўзгариш бўлиб қолармиди? Биз Ж.Рашидовадан ҳисобчи Ш.Гадоевнинг шахсий ҳужжатлари билан таништиришни сўрадик. Жамила Рашидова ўринсиз баҳоналар қидирди. Баҳона қидириш сабаблари кейинчалик маълум бўлди.

Шодиёр Гадоев мутахассис эмас экан. У Самарқанд давлат архитектура институтини битирган. Унга инженер-қурувчи мутахассислиги берилганлиги дипломига ёзилган. 1989 йилнинг 1 октябрида Ш.Гадоев туман халқ таълими бўлимига омбор мудири этиб ишга тайинланган. 1994 йилнинг 14 февралидан бўлимнинг марказлашган ҳисобхонасига ҳисобчи этиб ўтказилган. Ш.Гадоевнинг шахсий варақасида мутахассислиги иқтисодчи-инженер дея ёлғон маълумот ёзилган. Шахсий варақадаги сўров ўринлари тўлдирилмаган. Ҳатто у шахсий имзосини ҳам қўймаган. Собиқ шўролар даврида ёзилган варақа чалалигича турибди.

Битта ходимнинг шахсий ҳужжати шундай ҳолда экан, туман халқ таълими бўлимининг бошқа кадрлари, тарбиячи-ўқитувчилар ҳужжатлари аҳволи қандай? Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарлари мутахассис кадрлар шахсий ҳужжатлари юритилишини тартибга келтиришни пайсалга солмасликлари лозим кўринади.

- Хатолар биздан олдин ишлаганларнинг айби, - дейди И.Тотлиев. - Сиз ўзи қайси вилоятга мухбир этиб бириктирилгансиз?

- Самарқандга, - жавоб қиламан.

Бош ҳисобчининг қарашидан қўшни вилоят ҳудудига ўтиб кетибсиз маъносини англайман. Кўнглидагини тилига чиқармагани учун Президентимиз биз журналистларни жасоратга даъват этаяпти, дейман мен ҳам ичимда. Қаерда ноҳақлик, адолатсизлик, лоқайдлик қилинса биз — тўртинчи ҳокимият вакиллари ўша ерда ҳозирмиз.

Ҳа, тўрт йиллик бошқотирма ечилган эмас. Тилга кирадиган варақа-ю, рақамлар энди йўқ. Туман прокуратурасининг буни аниқлаштиришга кучи, қуввати шубҳасиз етади.

Ортга қайтаётгандим И.Ҳусанов сўраб қолди: «Мен хотинимнинг пулларини оламан деб қатнайвериб анча сарф-харажат қилдим. Уларни ҳамда чеккан маънавий зараримни ким тўлайди?»

Бунисини келажак кўрсатади. Ахир, Хатирчида қонун посбонлари бор-ку?!

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Инсон ва қонун»нинг
махсус мухбири

Хоразм томонларда

«АВЕСТО» — МАНГУ ТАФАККУР МАШЪАЛАСИ

2001 йилнинг кузида юртимиз аҳли яна бир улкан тадбирнинг гувоҳи бўлади. Халқимиз «Авесто» китоби яратилганлигининг 2700 йиллигини кенг нишонлайди. Бу — шубҳасиз катта тарихий воқеа. Курраи замин халқлари давлатчилигининг илк ўчоқларидан бири юртимиз бағрида вужудга келганлиги эса яна ҳам буюк тарихий ҳодиса саналади. Тарихий манбааларнинг гувоҳлик беришича, «Авесто» китоби Хоразмда яратилган. Унинг қаҳрамонлари ҳам шу юрт фарзандлари — ёвуз кучларга қарши курашда тобланган мард ва жасур боҳодирлар, тенгсиз ақл-заковат, илоҳий қудрат соҳиблари.

- Бағрида ана шундай мард боҳодирларни вояга етказган, жамият тараққиёти нишонаси — давлатчилик усулларини кашф этган юртинг буюклигига ҳеч кимда шак-шубҳа бўлмаслиги керак, - деди Урганч қурилиш коллежининг мажлислар залида ўтказилган илмий-амалий анжуман иштирокчиси, академик Азимбой Саъдуллаев, - бой тарих учун Зардуштдек афсонавий ўғлонни бера олган юртдан истиқболда ҳам шу янглиғ буюк инсонлар етишиб чиқиши шубҳасиз. Аммо бунинг учун халқимизнинг таълим-тарбия, илм-фан, куч-қудрат борасидаги бой салоҳияти тўла ишга солинмоғи, чин ватанпарварлар сафини мислсиз кўпайтиришга эришилмоғи даркор.

«Авесто» - мангу тафаккур машъаласи» мавзуида ўтказилган мазкур илмий-амалий анжуманда тарихий китобнинг ҳали кўпчиликка номаълум мазмун-моҳияти, сир-синоати хусусида жуда кўп ва дадил фикрлар, хулосалар, мулоҳазалар олға сурилди. Нотиқлар ҳатто бўлажак тадбир тараддуди мавзуини ҳам четлаб ўтишмади. Конференцияда қатнашган шаҳар ва туман ҳокимликлари мутасаддиларининг диққат-эътибори бу борадаги вазифаларга қаратилди, бир қатор режаларга аниқликлар киритилди.

- Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ушбу йилнинг кузида ўтказиладиган маросимгача бадиий ва илмий асарлар, кинофильмлар, тасвирий санъат намуналарини яратиш соҳасидаги барча ишлар ниҳоясига етказилмоғи ва тўйга армуғон этилмоғи зарур, - деди анжуманни бошқарган вилоят ҳокимининг ўринбосари Боҳодир Исмоилов.

Тараддуд ўз йўли билан, лекин энг муҳими ва қиммат-лиси — «Авесто»нинг тадқиқи. Зеро, мазкур тадқиқотлар замирида асарнинг жуда катта ғоявий, ижтимоий-сиёсий аҳамияти мужассам. Маърузачи профессорлар Б.Дўстчонов, Ҳ.Абдуллаев, «Олтин мерос» жамғармаси вилоят бўлими раиси К.Нуржонов асосий эътиборни тарихий асар бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига қаратдилар.

Бундан хулоса шуки, аждодлар анъаналарининг муносиб давомчилари — янги авлод тарбиясини яна ҳам юқори босқичга кўтариш бугуннинг бош вазифасига айланмоғи даркор. Анжуман иштирокчилари ҳукмига ҳавола этилган «Авесто» ва ёшлар» дастури, чоп этилиши, эълон қилиниши кутилаётган асарлар жамоатчилик кенгаши ва воҳа аҳлига мурожаатнома матни бу борадаги эзгу ниятларнинг қатъий ва холислигини ифода этди.

«КАМОЛОТ» - ЁШЛАР СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббускор гуруҳининг Президент Ислом Каримов билан шу йил 24 январ кунги учрашуви навқирон авлод ҳаётида унутилмас воқеа бўлди, янги тарихий давр бошланганидан далолат берди.

Хоразм вилояти фаол ёшларининг Урганч давлат университетида ўтказилган йиғилиши қатнашчилари якдиллик билан ана шу хулосага келдилар. Бироқ бундай якдил хулоса бирданига ёки жўнгина пайдо бўлмаганлигини алоҳида уқтирмоқ зарур. Маъруза, муҳокама ва мунозараларда қатнашган нотиқларнинг фикрлари ва қарашлари турлича бўлди.

Анжуман иштирокчилари аввалига ёшлар масалаларига бағишлаб мамлакатимиз пойтахти Тошкентда ўтказилган йиғилиш қатнашчиси Г.Ибодуллаева, Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббускор гуруҳи раисининг ўринбосари Қ.Қурбонбоевнинг маърузаларини тингладилар. «Ёшларнинг бўлажак ташкилоти фаолиятидан наинки навқирон авлоднинг ўзи, балки кенг халқ оммаси, қоларверса, давлат ҳам манфаат кўрмоғи керак», деди Г.Ибодуллаева. Нотиқнинг фикрича, ёшлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини қонунларни мукаммал ўзлаштириш ва билиш асосида изчил ҳимоя қилишлари, бу билан ҳам чекланмай юксак ҳуқуқий маданият ва дунёқараш намуналарини намоён этишлари, ҳуқуқий маърифат тарғиботи тадбирларида фаол қатнашишлари зарур.

- Ёшлар тарбияси ҳамма даврларда долзарб масала саналиб келган, - деди нотиқ Қ.Қурбонбоев, - шунинг учун ҳам у мустақил мамлакатимиз юргизаётган сиёсатнинг марказида турибди. Президент Ислом Каримовнинг истиқболимизни ёшлар илкига иноніб топшириш учун астойдил ғамхўрлик ва раҳнамолик қилаётгани боиси ҳам шу.

Урганч давлат университети ёшларининг етакчиси Д.Ғойибов ўтган даврда кўпчилик «Камолот»ни айблашдан нари ўтолмаганини, унга кўмак ва мададдан эса қўл силташтганини ачиниш билан таъкидлади.

Йиғилишда сўз олганлар воҳа ёшлари шаънига илиқ гапларни айтган бўлсаларда, «Камолот» ташкилотлари фаолиятига танқидий баҳо бердилар. Айни пайтда тузилаётган янги ташкилотнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли юзасидан кўпдан-кўп таклиф ҳамда истакларини баён этдилар.

Ёшлар бўлажак ижтимоий ҳаракат Дастури ва Низоми лойиҳаларини жонкуярлик ва манфаатдорлик туйғуси билан муҳокама этишганини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Атиги икки соатлик йиғинда 50 га яқин турли таклиф ва қўшимчалар ўртага ташлангани бу фикрнинг ифодасидир.

Йиғилиш аҳли ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Дастури ва Низомини маъқуллаб, уни баён этилган мулоҳазалар билан бойитишни таклиф қилди. Бу қабул қилинган қарорда ўз аксини топди.

Абдулла СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун»
мухбири

Ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидан дадил одимлаётган мамлакатимизда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Тадбиркорлар фаолиятини ҳимоялашда Республика Адлия вазирлигига тегишли идораларнинг хизмати катта бўлмоқда. Бу борада аҳоли орасида ҳуқуқий маърифатни кенг ёйиш, тарғибот ишларини қизғин олиб бориш долзарб вазифалардан. Бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари Эргаш САЙИТОВ ва Республика Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази бўлим бошлиғи Муҳаббат БОБОЖОНОВА мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб беришди.

Қарор ва ижро

ТАДБИРКОР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилги «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда Репсублика Адлия вазирлигининг адлия ва суд идораларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларига бағишланган назорат-режа асосида Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказида бир қанча тадбиркорларни ишлаб чиққанмиз. Ҳозиргача жойларда шу мавзуга бағишланган 142 та семинар, уч мингдан ортиқ давра суҳбатлари ўтказилди. Фақат Жиззах вилоятининг ўзида бир ойда 19 та ана шундай семинарлар уюштирилган. Фарғона вилояти минтақавий бўлими тадбиркорлар палатаси, хўжалик суди, прокуратура, суд ва банк идоралари ҳамкорликда «Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари кафолати ва муаммоларининг ечилиш тартиби» мавзуида ўтказилган семинарда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва бурчлари, ҳужжатларни расмийлаштириш тартиблари, шартнома тузиш ҳолатлари, дебиторлик-кредиторлик қарзларини ундириш йўл-йўриқлари кенг муҳокама қилинди. Бу ишларнинг моҳияти ҳақида фуқаролар тасаввурини кенгайтириш, уларга ҳозирги кун талаблари ҳақида аниқ тушунчалар бериш семинар ташкилотчиларининг диққат марказида бўлди.

Республикамизнинг барча вилоятларида ўтказилган бундай тадбирларда Адлия вазирлиги, Марказ ходимлари ва юридик институтнинг профессор-ўқитувчилари сермазмун маърузалари билан иштирок этдилар.

Тошкент Давлат юридик институти доценти С.Ҳамроев ва юридик фанлари номзоди, доцент М.Усмоновнинг Фарғона ҳамда Самарқанд вилоятларида ўтказилган ўқув семинарларида «Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари», «Тадбиркорларга кредит бериш тартиби», «Кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликни ҳимоя қилиш ва уларни ривожлантиришга замин яратиб бериш» мавзуидаги маърузалари амалдаги қонунлар, Президентимиз Фармонлари моҳиятини оммага етказишга қаратилгани билан кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Тошкент вилоятининг Янгийўл, Чиноз туманларида ўтказилган тадбирларда Марказ директори, доцент У.Бозоровнинг «Адлия идораларининг тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилишдаги роли», профессор Б.Ибратовнинг «Тадбиркорларнинг ҳуқуқ, бурч ва кафолатлари» мавзуларидаги чиқишларида тадбиркорлик фаолиятини ҳимоялашда адлия идораларининг ўрни ва таъсири тўғрисида аниқ, ишончли тушунчалар берилди.

Тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоялаш билан боғлиқ ишлар хусусида сўз борганда, албатта, жойларда уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётганлардан судлар воситасида моддий ва маънавий зарарлар учун жарималар ундирилаётганини ҳам таъкидлаш ўринлидир. Бунга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин.

Наманган вилояти Давлатобод туманидаги «Феруза» фирмаси фаолиятига солиқ идораларининг асоссиз аралашуви натижасида савдо дўконларининг иши қонунга хилоф равишда тўхтатилгани аниқланди ва 656000 сўм миқдорида келтирилган зарар ундириб берилди.

Қорақалпоғистон Республикасида етти нафар тадбиркорга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласи бўйича судга даъво аризалари тайёрланди. Амударё тумани Қипчоқ овул кенгашида яшовчи тадбиркор Р.Палимовга 20.000 сўмдан моддий ва маънавий, Нукус шаҳри «Бахитбой» хусусий фирма раҳбари Б.Калжановга 500.000 сўм моддий, 100.000 сўм маънавий, «Имкон» хусусий фирма раҳбари Б.Абдеримовга асоссиз судлангани учун 2 млн. сўм моддий ва 10 млн. сўм маънавий зарарни ундириш ҳақидаги тўлдирилган даъво аризалари шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, айрим вилоятлардаги минтақавий бўлимларда бу масалага масъулият билан ёндошмаслик ҳоллари учрамоқда. Марказга жўнатиладиган ҳар ойлик ёзма ҳисоботлар таҳлилидан кўринадики, Қашқадарё вилояти ҳамда Тошкент шаҳар бўлимлари иш фаолиятида юқорида кўрсатилган қарор ижроси талаб даражасида эмас. Улар тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш — юрт тараққиётини ҳимоялаш эканлигини англаб олсалар фойдадан ҳоли бўлмасди.

Қонунни тарғиб қилиш ва шу йўсинда фуқароларда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш мақсадида радио, телевидение, вақтли матбуотда ҳам тез-тез чиқишлар қилинмоқда. Адлия вазирлиги, Марказ ва юридик институтнинг профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир туркум нашрлар тайёрланди. З.Иноғомжонованинг «Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг роли», С.Бобоқуловнинг «Тадбиркорлик, кредит: кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит бериш тартиби», Х.Раҳмонқуловнинг «Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи» сингари рисолалари чоп этилиш арафасида. Бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, маданиятини кўтаришда таъсирчан омил бўлади, деб ўйлаймиз.

Салима ҚИЛИЧЕВА
ёзиб олди

Ўтган йили шу мазмундаги ариза билан ФҲДЁ бўлимимизга 76 та ариза тушди. Кўпчилик газетхонга бу ажабланарли туюлиши табиий. Чунки ана шу масалада мурожаат қилмаганлар бу сўзнинг асл маъносини билмаслиги аниқ. Хўш, «оталикни белгилаш» дегани нима ўзи? Бу сўз қаердан келиб чиққан? Ҳеч кимга сир эмаски, охирги пайтда арзимаган важ-карсонлар туфайли ажралиб кетаётган оилалар ҳам бор. Бунинг сабаби ҳар хил. Агар улар низоли бўлса, суд орқали, бўлмаса фуқаролар йиғини орқали қонуний ажралишса, юқоридаги даҳмазаларга ҳожат ҳам қолмайди. Бироқ...

Аччиқ устида эр уйланади, хотин эрга тегади. Қарабсизки, ҳаш-паш дегунча орада фарзанд дунёга келади. Энди туғилган фарзанд учун гувоҳнома олиш зарур. Гувоҳномаси бўлмаса нафақа пули ҳам тўланмайди. Шунда бирдан эр-хотинда бараварига калла ишлаб қолади. Нима қилиш лозим? Туман ФҲДЁ бўлимига бориш керак. Бу ёқда гувоҳномаси бўлмаса, туғруқхона ходимлари ҳам чақалоққа жавоб бермаймиз, деб туриб олишади.

Биз ана шундай ариза билан ҳузуримизга келган бир аёлдан сўрадик:

ФҲДЁ ҳаётидан

ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАБ БЕРИНГ!..

- Турмушингиз бузилган экан, собиқ эрингиз билан қонуний ажралсангиз бўлмасмиди?

Бу саволимизга:

- Вой мен у кишининг олдига ҳозир қандай бораман? Уйланган, хотини, бола-чақаси бўлса? - дея жавоб қайтарди ҳалиги аёл.

Бизда ҳатто туғилган 2-3 фарзандига ҳам оталикни белгилаб беришни сўраб ариза берганлар бор. Шу йилнинг бошида Зармитан жамоа хўжалигининг Қувкалла қишлоғида яшовчи Адилбой Нораливе ва Кумушой Деҳқоновалар ўз фарзандларига оталикни белгилаб беришимизни сўраб ариза билан мурожаат этишди.

Ўтган йили Кўшработ ижара хўжалигининг Қорақисмоқ қишлоғида яшовчи Шерзод Аҳмедов, Дилором Баракаевалар фарзандлари туғилгандан кейин ФҲДЁ бўлимига рўйхатдан ўтиш учун ариза беришган.

Пангат давлат хўжалигининг Пангат қишлоғида яшовчи Аббос Нарзуллаев, Кўшработ қўрғонида истиқомат қилувчи Жозил Қобилов, Сайёра Сайдулова, Қирқовул қишлоғида яшовчи Очил Шахобов, Забура Жамоловалар ҳам янги турмуш қуриб, фарзандлик бўлишгач, бизга оталикни белгилаб бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишди.

Оила — жамиятнинг бир бўлаги. Унга беларволарча муносабатда бўлиш асло мумкин эмас. Фарзанд тақдирини ҳал этишда бундай енгил-елпи йўл тутиш, мутлақо нотўғри. Бу борада «Оила» тўғрисидаги Кодексга алоҳида бўлим киритиш лозиммикан... Эр-хотинларнинг қонуний ажралмасдан туриб, янгидан рўзғор қуришларини қонун томонидан қатъий чеклаш керак.

Нодира ТОҲИРОВА,
Кўшработ туман ФҲДЁ бўлими мудираси

Суд ҳокимияти

БУГУННИНГ ТАЛАБИ

Тошкент шаҳар хўжалик суди фаолияти хусусида

Одамзот табиатан ташвиш ва муаммоларсиз яшашни, ишлашни ёқтиради. Аммо бунга эришиш анча мушкул. Шуниси қизиққи, кўп ҳолатларда муаммоларга дуч келишимизга ўзимиз сабабчи бўламиз. Масалан, қонунларни, хусусан, иқтисодий қонунчиликни яхши билмаганимиз ёки унга риоя қилмаганимиз сабабли ҳам кўп ташвишларга дучор бўламиз. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтилаётган бугунги кунда бундай ҳолатлар кўплаб юз бермоқда. Тошкент шаҳар хўжалик судида кўриб чиқилган хўжалик ишлари бўйича суд амалиётининг айрим жиҳатлари ҳам бунга мисолдир. Албатта, Тошкент шаҳар хўжалик судига келиб тушаётган аризаларнинг кўпайиб бораётганлиги бир томондан хўжалик судларига бўлган ишончнинг ортаётганлигини билдирса, иккинчи томондан баъзи тадбиркорлар, хўжалик субъектлар раҳбарларининг қонунларни яхши билмаслиги шундай низоларни юзага келтираётганлигига амин бўламиз. Ўтган 2000 йилда Тошкент шаҳар хўжалик судига тадбиркорлар ва юридик шахслардан 11447 та даъво аризалари ва аризалар келиб тушган бўлиб, шулардан 10599 таси иш юритишга қабул қилинган, 928 таси даъвогарларга қайтарилган. Аризаларни қайтаришга кўпинча даъвогарларнинг мавжуд қонунчиликни яхши билмасликлари, юридик хизматнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги сабаб бўлмоқда. Баъзида судга доимий равишда мурожаат этадиган ташкилотлар томонидан бундай камчиликларга йўл қўйилиши ачинарли ҳолдир. Масалан, ўтган йилда «Тошиссиққувати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 29 та, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акционерлик жамиятининг 23 та ариза ва даъво аризалари қайтарилган.

Албатта, хўжалик судларига мурожаат қилаётганлар ўз дардларини айтиб, манфаатларини ҳимоя қилишни сўрашади. Хўжалик судлари ҳам ўз навбатида уларнинг даъволарини қонун асосида кўриб чиқади. Юқорида айтилганидек, шаҳар хўжалик судида ўтган йили 10599 та даъво ариза бўйича иш қўзғатилган, шундан 10520 таси мазмунан кўрилиб, ҳал қилинган. Ҳал этилган ишлар бўйича суд жавобгарлардан 22,5 млрд. сўмни даъвогарларга ундириб берган. Ундирилган сумма 1999 йилдагига қараганда 2 бараварга ошган. Демак, хўжалик суди маълум маънода ҳақиқатнинг тикланишига, юзлаб, минглаб одамларнинг ўз ҳақларини олишига сабабчи бўлган. Даъво суммаларининг муайян қисми ҳукумат комиссиясининг қарорларига мувофиқ ҳисоб қилинганлиги, даъво талаблари асоссиз бўлганлиги сабабли ундирилмаган. Банкротлик ишларини кўриб чиқишда рад қилинган аризаларнинг сони 2000 йилда 32 тани ташкил этди. Сабаби - корхонани банкрот деб топиш тўғрисида ариза бераётган шахс материалларни шошма-шошарлик билан тайёрлаган, кўрсатилган далилларни асословчи ҳужжатларни тўлиқ тақдим қилмаган ва суд мажлиси давомида ҳам бу ҳолатларни исботлай олмаган.

Бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири иқтисодиётни ривожлантиришдир. Бу эса ўз навбатида корхона ва ташкилотларнинг, фирмаларнинг ўз ишларини тўғри йўлга қўйишларига, хўжалик судларида ишларнинг холисона кўрилишига боғлиқ. Президентимиз яқинда бўлиб ўтган идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида сўзлаган нутқида кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш ва унда хусусий мулкнинг етакчи ўрин эгаллашини таъминлаш, иқтисодиётимизда қўшма корхоналарнинг улуши, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғини юксалтириш, чет эл фирма ва компаниялари билан ҳамкорлигимизни йилдан-йилга кучайтиришни долзарб вазифалар сифатида таъкидлаб ўтди. Тошкент шаҳар хўжалик судида ана шундай хусусий тадбиркорлар ва қўшма корхоналарнинг ишлари кўриб чиқилган. Ўтган йили хусусий тадбиркорлар иштирокида 3670 та хўжалик иши кўрилган бўлиб, улардан 186 ҳолатда даъвогар сифатида, 3,5 мингта яқинида эса жавобгар сифатида иштирок этишган. Даъвогар сифатида улар фойдасига 367 млн. сўмлик қарзлар ундирилган бўлса, жавобгар сифатида бундай тадбиркор ва корхоналардан 1 млрд. сўмдан зиёд пул маблағи ундирилган. Бу рақамлардан кўриниб турибдики, шартномавий мажбуриятлар кўпинча хусусий корхоналар томонидан бузилмоқда. Бунинг олдини олиш учун авваламбор корхоналар раҳбарларининг ҳуқуқий онгини, маданиятини ошириш, қонунчиликни кенг тарғиб қилиш, сайёр суд мажлисларини кўпайтириш, жойларда корхоналар раҳбарлари билан тез-тез учрашувлар ўтказишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Агар хўжалик судларида кўриб чиқилган ишларга назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг 29 фоизи фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга оид эканлигига гувоҳ бўламиз. Бунинг асосий сабаби шартномавий мажбуриятларни бажармаслик, айниқса, маҳсулот етказиб бериш, пудрат, олди-сотди, ижара шартномаларини бузиш бўлмоқда. Ваҳоланки, биз бозор иқтисодиётига ўтиш ҳақида кўп гапирмоқдамиз. Бозор муносабатлари эса аниқликни, ҳалолликни талаб этади. Аммо Президентимизнинг шартнома тузиш маданиятини бутунлай янги поғонага кўтариш керак, деб бир неча бор таъкидлашларига қарамай, хўжалик судида кўрилган ишлар шартномаларни тузиш ва уларни бажариш борасида кўплаб хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатмоқда. Масалан, «Тошкент ёғочни қайта ишлаш заводи» акционерлик жамияти «1-сонли Тошкент уй-жой қуриш комбинати» акционерлик жамияти билан пудрат шартномаси тузган ва бу шартномага кўра даъвогар 184 млн. сўмлик маҳсулотни тайёрлаб, жавобгарга етказиб бериши, жавобгар эса унинг ҳақини тўлаши керак бўлган. Шартномага кўра маҳсулот учун 15 фоизлик тўлов олдиндан амалга оширилиши, маҳсулот ҳақининг қолган қисми эса маҳсулот олингач, 30 кун ичида тўланиши лозим эди. Жавобгар олинган маҳсулот учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаган. Шу сабабли даъвогар жавобгардан 20 млн. сўмга яқин қарзни ундиришни сўраган. Суд даъво талабини тўлиқ қаноатлантириш билан бирга хусусий ажрим чиқариб, шартномавий интизомга риоя этмаганлиги оқибатида корхонага зарар етказганлиги учун жавобгарнинг раҳбари ва бош ҳисобчисини моддий жавобгарликка тортган. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги Фармонига кўра, раҳбарлар ва бош ҳисобчилар ўз вақтида тўловларни амалга ошириш учун масъулдирлар. Шунинг учун ҳам улар қонунбузилишига, лоқайдликка йўл қўйган ҳолатларда уларга нисбата қаттиқроқ чоралар кўриш лозим.

Хўжалик судлари қарорлари ижроси муҳим масаладир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 5 февралдаги «Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бўйича ҳам шаҳар хўжалик судида муайян ишлар амалга оширилган.

2000 йилда кўрилган ишлар бўйича жами 333 млн. 631 минг сўмлик давлат божи ундирилган бўлиб, бу 1999 йилдагига қараганда тахминан 144 млн. сўмга кўпдир.

Қарз суммасини жавобгарлар мол-мулки ҳисобидан мажбурий ундириш сўралган аризалар бўйича очилган мажбурий ижро ишларининг 748 таси бўйича суд ижрочилари 2,5 млрд. сўм ундиришлари керак бўлган. Шулардан 666 та иш юзасидан 1,9 млрд. сўмлик қарз ундириб берилган. Ижрочилар шунингдек, 5 та бинодан чиқариш тўғрисидаги ва 15 та даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримларни ижро қилишган.

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиалига 2000 йилда 48 та ижро бўйича жами 361 млн. сўмлик мол-мулклар ким ошди ва биржа савдоларига қўйилган бўлиб, ликвидли эмаслиги боис 109 млн. сўмликка яқин мол-мулкларнинг харидори чиқмаган, ҳатто ундирувчиларнинг ўзи ҳам бундай молларни олишни рад қилишган. Натижада улар қарздор корхонага қайтарилган.

Баъзида раҳбарларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракат содир этаётганликлари ҳам аниқланмоқда. Масалан, даъвогар «Медикал систем ЛТД» қўшма корхонаси фойдасига жавобгар «ТИК» хусусий корхонаси мол-мулки ҳисобидан 11 млн. сўм ундириш бўйича мажбурий ижро иши очилган. Жавобгарнинг раҳбари А.Нуралиев суд ижрочисига корхонасининг мол-мулки борлигини айтиб, қарзини тўлашга ваъда бериб, қочиб кетган. Аниқланишича, даъвогар билан шартнома тузаётган пайтда унинг корхонасида маҳсулот умуман бўлмаган ва даъвогарнинг катта миқдордаги пул маблағини ўзлаштириб юборган. Тошкент шаҳар хўжалик судининг хусусий ажрими билан А.Нуралиевга нисбатан фирибгарлик ва суд ҳужжатини ижро этишдан бош тортиш фактлари бўйича жиноят иши қўзғатилган. Шайхонтоҳур туман судининг 2000 йил 8 сентябрдаги ҳукми билан А.Нуралиев 10 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Шу ерда эътиборингизни яна бир масалага қаратмоқчимиз. Хўжалик судлари, қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза этувчи барча органлар низоли вазиятларда чора кўриш билан бирга низоларнинг олдини олишга ҳам ҳаракат қилишлари лозим. Шунинг учун ҳам биз кўпроқ ҳуқуқий мавзуларда учрашувлар ўтказиб туришимиз, тарғибот ишларига эътиборни кучайтиришимиз лозим. 2000 йилда судьялар корхона ва ташкилотларга бориб, тадбиркорлар ўртасида ҳуқуқий мавзуларда 335 та маъруза, 121 та суҳбатлар ўтказишган, оммавий ахборот воситаларида 60 марта чиқиш қилинган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республикамиз Президенти ҳуқуқий тарғиботни кучайтириш, тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиш, айниқса, оилавий пудратчиларни қўллаб-қувватлаш, шартномавий интизомни кучайтириш, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ролини, масъулиятини оширишни муҳим вазифалар сифатида таъкидламоқда. Бу эса биздан ўз ишимизга янада жиддийроқ ёндошишни талаб этади.

Собиржон ХОЛБОЕВ,
Тошкент шаҳар хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари

Милиция подполковниги Ҳамид Ҳабибов йигирма йилдан бери Сирдарё вилоят Ички ишлар бошқармасида меҳнат қилиб келмоқда. У ўзининг ҳалоллиги, адолатпарварлиги билан сирдарёликларнинг ҳурмат-эътиборини қозонган.

Суратда: (ўнгдан) Ҳамид Ҳабибов ҳамкасби Нурмат Ниязов билан жиноят қидирув бошқармаси олдида турган муҳим вазифалар хусусида фикрлашяпти.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

Мамлакатимизда адолатни қарор топтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 мартда қабул қилинган «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 5 майдаги «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ана шу чоралардан биридир.

Жамоатчи мухбиримиз солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларига қарши курашиш Қашқадарё вилоят бошқармаси суриштирув ва тергов бўлими бошлиғи Х.Раҳимов билан қарорлар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар хусусида суҳбатлашди.

Бизнинг мусоҳаба

ҚОНУНЛАР ЯХШИЛИККА ЙЎЛ ОЧАДИ

- Файласуфлардан бири «Қонунлар иллатларга барҳам бериб, яхшиликка йўл очмоғи керак», деган экан. Солиқ соҳасидаги юқорида тилга олинган ҳужжатлардан кўзда тутилган мақсад ҳам ана шу рўшноликка қаратилган. Хўш, бошқарма ташкил этилган қисқа давр мобайнида кузатувларингиз нималардан иборат?

- Келинг, мен ҳам фикримни француз ёзувчиси О.Балзакнинг сўзлари билан бошлай. «Қонунлар мамлакатнинг ақли, - деган экан у. - Аксари номақбул одамлар қонунлардан устун келади». Ҳар қандай қонун замон, давр тақозоси билан юзага келади ҳамда иллатларга қарши курашади. Биз фикр юритадиган қонунлар ҳам бундан мустасно эмас.

Ўтган йил давомида бўлимимиз суриштирувчилари томонидан 114 та жиноят аломатлари мавжуд бўлган ҳужжатлар ўрганиб чиқилди. 88 ҳолат бўйича Республика ЖКнинг турли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ЖКнинг 186-прим ҳамда 190-моддаларига оид жиноят ишлари анчагина ортган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, солиқ тизими, унинг қонунлари давлатимизда энди шаклланаяпти. Ҳали аҳолининг баъзи қатлами солиқ қонунчилиги ҳамда маданиятидан яхши хабардор эмас. Шу боис ҳам катта ташкилий-тарбиявий ишларни олиб боришимиз керак. Худо хоҳласа, мамлакатимиз ривожланган, солиқ қонунчилигига қатъий амал қиладиган давлатлар қаторидан ўрин олади.

Суриштирувчиларимиз Чироқчи туманидаги «Хусусий транспорт эгалари» уюшмасининг ишлари билан танишдилар. Уюшма раҳбарлари корхона мулкини ўзлаштиришга йўл қўйганлар. Бунинг устига тўланиши лозим бўлган солиқлар миқдорини камайтиришга ҳаракат қилинган. Айбдорларга нисбатан Республика ЖКнинг 184-, 228-, 190-, 167-моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, келтирилган зарарларни ундириб олиш ҳаракатлари амалга оширилди. Барча ҳужжатлар туман ички ишлар бўлими томонидан синчиклаб ўрганилди. Яна бир мисол. Қамаши туманидаги «Истиқбол» савдо фирмаси фаолияти айрим сабабларга кўра тўхтатилган ва бу ҳақда тегишли ҳужжатлар қабул қилинган. Фирманинг «ишбилармон раҳбарлари» ана шундан кейин ҳам 437 минг сўмлик фаолиятни амалга оширганлар. Шунинг учун ҳам мансабдор шахсларга нисбатан ЖКнинг 184-, 188, 190-, 228-моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилиб, туман прокуратурасига тақдим этилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

- Маъмурий амалиёт бўйича тадбирлар ва ҳуқуқбузарларга нисбатан кўрилган чоралар хусусида тўхталсангиз.

- Ўтган йил мобайнида вилоятимиз солиқ тизими ходимлари томонидан 7971 та текшириш ўтказилди. Уларнинг 5625 ҳолатида турли шаклдаги қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Натижада 5815 мансабдор шахс ҳамда айрим фуқаролар маъмурий тартибда жавобгар қилинди ва улар 51055.4 минг сўм миқдорида жаримага тортилдилар. Бундан 45915,5 минг сўми давлат бюджетига ундириб олинди.

- Касбий фаолиятларингиз солиқ қонунчилиги, шу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этишда давлат назоратини ўрнатишни тақозо этади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда қандай камчиликларга дуч келинмоқда?

- Яккабоғ туманидаги Тўқимачилик очиқ ҳиссадорлик жамиятида ўтказилган текширишларда туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан камчиликларга йўл қўйилганлиги, натижада тўланадиган солиқ миқдори 800 минг сўмга кўп ҳисобланганлиги ҳақида хабар олдик. Уни дарҳол вилоят Давлат солиқ бошқармаси маслаҳат эксперт бўлимига ўрганиб чиқиш учун тақдим этдик. Текшириш натижасида солиқ кўп эмас, аксинча, 3352 минг сўм кам тўланганлиги аниқланди ҳамда қўшимча солиқ ҳисобланиб ижрога қаратилди.

Камчиликларга йўл қўйилишининг боиси, аввало, мутахассисларимизда етарли малака йўқлигидир. Бошқармамиз янги, ҳали тажрибали, билимли ёшларга эҳтиёж катта, ҳужжатларни қайта синчиклаб ўрганиш натижасида шу нарса маълум бўлмоқдаки, ходимларимиз ҳужжатларни расмийлаштиришда процессуал қонун талабларини етарли даражада бажармаганлар. Қонунбузарликларнинг асосий илдизини қидириб топишга кам эътибор берилиб, аксинча, ижрочиларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатиш билан чекланилган. Иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан етарли ҳамкорлик қилинмаган.

Бошқармамиз ташкилий даврни бошдан кечираётгани учун ҳам биз ўқишимиз, ўрганишимиз, тажриба орттиришимиз зарур. Ходимларнинг сиёсий, касбий, маънавий-маърифий билимларини ошириш учун ўқув ташкил этдик. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тажрибали мутахассисларини жалб этган ҳолда семинарлар ўтказиш режалаштирилди. Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Давлат солиқ қўмитасининг норматив ҳужжатлари бўйича доимий равишда савол-жавоб кечалари, ўзига хос синовлар ўтказилади.

Тезкор давр, олдимизга қўйилган муҳим вазифалар ўз устимизда қунт билан ишлашни, юклатилган масъулиятни тўла англашни тақозо этади.

Суҳбатдош:
Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ

- Туманимизда 8424 нафар пенсионер истиқомат қилади, - дейди Боёвут туман ижтимоий таъминот бўлимининг бошлиғи Ражаббой Қурбонов. - Улар учун ҳар ойда 66 млн. сўмдан зиёд нафақа ажратилади. Бундан ташқари кам таъминланган оилалардаги 67 нафар ўзгалар ёрдамига муҳтож қарияларга моддий жиҳатдан ёрдам берилмоқда.

Суратда: (ўнгдан) бўлим бошлиғи Ражаббой Қурбонов ходимлар Нодир Маҳкамов ва Яхшигул Соиповалар билан ўзаро мулоқотда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

Ҳуқуқий маслаҳатхона

УМУМИЙ МУЛКМИ, ЙЎҚМИ?

Турмуш ўртоғим 1992 йилнинг май ойида Навоий шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Экспресс-Сервис» тижорат ишлаб-чиқариш корхонасининг таъсисчиси бўлиб иш бошлади. Шу йилнинг июн ойида корхона фаолият кўрсатиши арафасида мен ҳам «ҳамтаъсисчи» сифатида қабул қилиндим. Устав фондига 50000 сўмнинг 25000 сўми турмуш ўртоғим, 25000 сўми мен томонимдан қўйилиши ҳақида келишилди. Қарор Давлат нотариал идорасида тасдиқдан ўтди.

Корхонанинг устав фонди учун иккаламиз барча харажатларни оиламизнинг умумий жамғарма пули ҳисобидан сарф қилиб, корхона фаолиятини юргизиб, барча муоммаларни биргаликда бартараф қилиб ёнма-ён ишлаб келаяпмиз. Буларни турмуш ўртоғим инкор этмайди ва бу борада ўртамизда келишмовчилик бўлган эмас. аммо мен ўзимнинг ҳақ-ҳуқуқимни тўлароқ англаб олишни истар эдим.

Бизнинг никоҳ давримизда ташкил топган, яъни турмуш ўртоғим томонидан таъсис этилган корхона умумий оилавий мол-мулкимиз ҳисобланадими?

Агар турмуш ўртоғим корхонанинг мол-мулкини, корхона фаолиятини тўхтатмасдан туриб тасарруф этмоқчи бўлса ёки арзон нархда гаровга қўйиб ипотека шартномаси орқали қарз пули олмоқчи бўлса, Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси 24-моддасининг 1-, 2- ва 3-бандларида кўрсатилганидек, оиламизнинг умумий мол-мулкини тасарруф этиш учун менинг ҳам розилигим олиниши керакми ёки йўқми?

Гулчеҳра ҲОЖИЕВА,
Навоий шаҳри,
Кармана тумани

***ТАҲРИРИЯТДАН:** Бизга мактуб йўллаган Г.Ҳожиева ўзи бераётган саволлар асосида амалдаги қонунларни ўқиб-ўрганган хат мазмунидан сезилиб турибди. Саволларга жавобни Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг тегишли моддаларидан аниқ-равшан билиб олиш мумкин.*

«...Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлари, пайлари, омонатлари кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъий назар улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади» (23-модда).

Шунингдек, ушбу Кодекснинг 24-моддасида «Эр ва хотин уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқларга эгадир» деб аниқ белгилаб қўйилган. Шу модданинг охирги бандида:

«Эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиш учун хотин (эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим. Кўрсатилган битимни тузишга нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олинмаган эр ёки хотин мазкур битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида бу битимни суд тартибида ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақли» эканлиги кўрсатилган.

Хуллас, бундай ҳолда тарафлар розилиги албатта зарур, бу қонун талаби.

Сўз иккинчи тарафга

«СЕВГАН КАСБИМДА ИШЛАШНИ ХОҲЛАЙМАН»

Газетамизнинг ўтган йилги 19 декабр сонида шу номли мақола босилган бўлиб, унда Жиззах вилояти Дўстлик темир йўл бекати навбатчиси Аъзамжон Раҳмонов ўзининг ишдан ноҳақ бўшатилганини, «арзимаган баҳоналар билан мени севимли ишимга қўйишмаяпти» деган арзи битилган эди. Яқинда таҳририятимизга ушбу хабар юзасидан жавоб келди:

«Ҳурматли «Инсон ва қонун»!

А.Раҳмоновнинг газетада эълон қилинган хати билан танишдик. Унда баён этилган айрим фикрларга қўшилсакда, аксарият даъволари ўринсиз. Масалан, 2 март куни учта вагон издан чиқиб кетганлиги рост. Бироқ улар бекатда эмас, балки Дўстлик тумани «Агрокимётаъминот» ташкилоти ҳудудидаги темир йўлда содир бўлган. Бунинг учун мазкур ташкилот вагонларни таъмирлашга 109326 сўм ўтказиб берган. Бу пайтда мен ўқишда эдим. Келганимдан сўнг баённома тўлдиришга ва шу воқеа билан боғлиқ бошқа ишларга ёрдам бердим. А.Раҳмоновнинг мен ҳақимда «Тошкентга бориб тил бириктириб келди» дегани мутлақо асоссиз. Тошкент темир йўл бўлими раҳбарияти А.Раҳмоновнинг ишни олиб боролмаслигини билгач, уни вақтинчалик бекат бошлиғи вазифасидан озод қилиб, унга ўз ишини, яъни Дўстлик темир йўл бекати навбатчиси вазифасини давом эттиришни маълум қилди ва ўрнига О.Неъматовни тайинлади.

Темир йўл низомига асосан, темир йўл бекатлари ҳар ярим йилда техник ҳолати, иш юритиш тартибларига кўра текширувдан ўтказилади. 1999 йил декабрда ана шундай навбатдаги текширувда А.Раҳмоновнинг иши қониқарсиз деб топилиб, унга Тошкент темир йўл бўлими қошидаги комиссияга синов имтиҳони топшириши лозимлиги айтилди. У анча вақт бундай синовга бормай юради ва 2000 йилнинг 24 апрелида бошлиқ вазифасини бажарувчи О.Неъматов уни имтиҳон топшириш учун жунатади. Бироқ у синовдан ўтолмай келди. 9 майда ва кейин яна 13 майда икки марта синов имтиҳонларидан ўтолмагач, комиссия А.Раҳмоновни бажариб турган вазифасига муносиб эмас, деб топиб, уни ҳаракат хавфсизлигига алоқаси бўлмаган ишга ўтказишни таклиф этиб, Жиззах шоҳ бекати раҳбарияти ихтиёрига юборади. Бироқ А.Раҳмонов Жиззахга қатнаб ишламаслигини айтиб, Жиззах шоҳ бекати раҳбарияти ва ишчилар касаба уюшмаси томонидан бир неча бор ишга таклиф этилганига қарамай, ишга чиқмади. Бундан ташқари, 2000 йил 24 мартда ўтказилган махсус текширув чоғида А.Раҳмонов иш жойида чироқни ўчириб ухлаб ётгани, яъни ўз хизмат вазифасига масъулиятсиз қарагани ҳақида далолатнома тузилган.

Хуллас, ишдаги қатор камчиликка йўл қўйгани, бир неча бор синовдан ўтолмаганига қарамай, А.Раҳмонов ишга чиқиш ҳақидаги таклифимизни рад этди.

Мамадамин ХЎЖАЕВ,
Дўстлик темир йўл бекати бошлиғи»

ТАҲРИРИЯТДАН: Ўйлаймизки, биринчи хатда қаламга олинган муаммо ва жавоб хатида бунга киритилган аниқлик масалани тўлиқроқ тасаввур қилиш имкониятини беради. Бу ўринда ким ҳақ, ким ноҳақлиги ҳақида, хат ва унга берилган жавобдаги далилларни қиёслаб, одилона хулоса чиқарилади, деган умиддамиз.

Хоразмдан хат

СИЗДАН МИННАТДОРМАН, «ИНСОН ВА ҚОНУН»!

Президентимиз ташаббуси билан 2001 йилни «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши мен каби оналарнинг юртимизга, Юртбошимизга бўлган ҳурмати, меҳр-муҳаббатини янада ошириб юборди. Бунинг яна бир боиси, бу Сиз — «Инсон ва қонун» газетаси ходимларининг беғараз ва самимий ёрдами ишончимизга ишонч қўшгани бўлди.

Мен Хоразм вилояти Гурлан туман умумий овқатланиш корхонасида бош ошпаз эдим. 1998 йилда ҳеч қандай асосиз ва сабабсиз ишдан бўшатишди. Мен кўп жойлардан нажот топа олмай, Сизга ариза ёзган эдим. Сизнинг аралашувингиз билан Гурлан туман прокуратураси менинг арзим билан шуғулланди. Раҳмат уларга ҳам. Мен ишга тикландим ва барча ноҳақликлар бартараф этилди.

Сизга минг бор таъзим ва раҳмат!

Ширин АЛЛАБЕРГАНОВА,
Хоразм вилояти, Гурлан тумани
Ўзбекистон ширкат хўжалиги

***ТАҲРИРИЯТДАН:** Ширин опа, сизга ҳам раҳмат, беминнат ёрдамни қадрлабсиз. Айниқса, ўз вақтида матбуот аралашувига жиддий ёндошган Гурлан туман прокуратураси ходимларидан миннатдормиз.*

Тафаккур гулшани

Адолатсиз ишнинг олдини олиш лозим. Биз бундай қила олмас эканмиз, ҳеч бўлмаганда адолатсиз ишга ёрдам бермаслигимиз керак.

ДЕМОКРИТ

Бошқалар кўз ўнгида ҳам, пинҳона тарзда ҳам иснод келтирадиган иш қилма. Ўзингга нисбатан ҳурмат биринчи даражали қонунинг бўлмоғи лозим.

ПИФАГОР

Жиноят ва жазо

НОРАСИДАЛАР ҲАҚИГА ХИЁНАТ

Комил фарзанд ўстиришдек шарафли ва масъулиятли бурчни юракдан ҳис этган ота ўз оиласини бахтли қилишга, фарзандларини имкон қадар кам-кўстсиз ўстириш ва тарбиялашга интилиб яшайди.

Янги асрнинг биринчи йили Ўзбекистонда «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинди. Бу ҳол оталарга ҳам алоҳида масъулият юклаши шубҳасиздир. Ушбу йилда ота оила бошлиғи сифатида фарзандларига кўпроқ ғамхўрлик қилиши лозим бўлади.

Афсуски, орамизда оталик бурчини унутиб қўйганлар ҳам учраб туради. Шундайлардан бири жомбойлик Мурод Баҳромовдир. У 1999 йил 11 майда туман судининг қарорига кўра турмуш ўртоғи Ширин Орипова билан ажрашди. Вояга етмаган беш нафар фарзанд она қўлида қолди. Мурод Баҳромов эса барча ойлик иш ҳақи ва даромадларидан бир қисмини фарзандлари тарбияси учун нафақа сифатида тўлашга мажбур этилди. Аммо у суд жараёнидан сўнг фарзандларини тамомила унутди, нафақа тўлашдан бош тортди. М.Баҳромов Жиззах вилоятининг Зарбдор туманидаги «Истиқлол» ширкат хўжалигида яширин яшаб юрди. Бир йил давомида фарзандларининг ризқу насибасидан бўлган қарзи 36000 сўмга етди. Ниҳоят, туман судининг қарори билан қидириб топилган М.Баҳромов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси билан айбли деб топилиб, 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига жалб қилинди.

Унга ўхшаган шахслар Жомбой туманида анча кўпайиб кетганди. Эркин Ражабов, Собир Бозоров, Боймурод Маҳмудов, Зариф Мардиев, Умар Долиев кабилар суднинг расман огоҳлантиришларига қарамасдан, вояга етмаган фарзандларини унутиб, нафақа тўлашдан қасддан бўйин товлаб келганлар. Бироқ улар ҳам суднинг қора курсисига ўтириб, тегишли жазоларини олдилар.

Ўтган «Соғлом авлод йили»да туман прокуратураси томонидан корхона ва ташкилотларда, қишлоқ фуқаролар йиғинларида ва маҳаллаларда бу борада турли мавзуларда йиғилишлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Бундай тадбирлар самараси ўлароқ, туманда 2000 йилда вояга етмаганлар ҳамда меҳнатга лаёқатсиз кишиларни моддий таъминлашдан бош тортган шахслар жиноятчилиги кескин камайди. Агар 1999 йил давомида Жиноят Кодексининг 122-моддаси билан жами 25 та иш қўзғатилган бўлса, 2000 йилнинг олти ойи давомида битта жиноят иши қўзғатиш юзасидан ажрим қабул қилинган. Бу турдаги жиноятчиликка қарши тарғибот-ташвиқот ишларини 2001 йилда ҳам фаол давом эттириш туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамда маҳаллалар қўмиталарининг бош вазифасидир.

О.ҲАМЗАЕВ,
журналист

ЭРКИНЛИК — БЕБАҲО НЕЪМАТ

Оллоҳнинг иноятн бўлган истиқлол Ўзбекистонимизни ёруғликка, нурга тўлдирди. Унинг шарофати билан миллий қадриятларимиз, жумладан, диний қадриятларимиз қайта тикланди. Мустақиллик туфайли Қуръони каримни она тилимизда ўқишга, илоҳият таълимотига залворли ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг асарлари билан танишишга имкон яралди. Унинг дастлабки йилларидан бошлаб Президентимизнинг Фармони билан икки буюк шодиёна — Рамазон ва Қурбон ҳайитлари умумхалқ байрами деб эълон қилинди. Минглаб ватандошларимиз Ҳаж сафарига бориб келдилар ва Умра амалларини адо этдилар. Ўйғониш даврида мамлакатимизда кўплаб жоме масжидлари қурилди, қайта таъмирланди. Умуман ислом йўлидаги барча тўсиқ ва ғовлар олиб ташланди.

Юртбошимиз ташаббуслари билан Самарқандда улуғ аллома Имом ал-Бухорий мақбараси, калом илмининг асосчиларидан Абу Мансур ал-Мотирудий мақбараси, Бухорода Нақшбанд, Термизда ат-Термизий сингари ўнлаб мутафаккирларимизнинг қадамжолари ободонлаштирилиб, зиёратгоҳларга айлантирилди.

Мустақил юртимизда ислом уламоларини ва мутахассисларини етиштириб берадиган ўқув юртларига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ташаббуси билан Тошкентда «Кўкалдош» мадрасаси, «Хадичаи Кубро» хотин-қизлар билим юрти, Бухорода «Мир Араб» мадрасаси, Самарқандда «Имом ал-Бухорий» ҳадис Маркази каби 11 та диний ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда. 1999 йилда Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан пойтахтимизда Ислом университети очилиб, ишга тушди. Кўриниб турибдики, буларнинг барчаси мамлакатимизда ислом динининг равнақидан, халқимизнинг руҳий-маърифий юксалишидан далолат беради.

Аммо сўнгги йилларда осойишталигимизни, ютуқларимизни кўролмайдиган бир неча диний гуруҳлар ва тўдалар пайдо бўлиб, улар ҳаётимизга суқилиб киришга, чегараларимизни бузишга интилмоқдалар. Наманган шаҳридаги воқеалар, Тошкентдаги 16 феврал хунрезликлари, Боткент, Сариосиё чегараларидаги воқеалар ҳамон кўз олдимизда турибди. Диний экстремизм кайфиятидаги бундай оқимлар миллатимиз ўртасида турли хилдаги низо-адоватлар уруғини сочиб, муросасозликни келтириб чиқаришга ва Ватанимизда мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга интилмоқдалар. Айниқса, айрим лақма ёшлар онгини фундаментализм мафкураси билан заҳарлашга, ҳамёнини пуч ваъдалар билан тўлдиришга ҳаракат қилаётганни ташвишланарли ҳолдир. Мақсадлари талончилик, зўравонлик, молмулкни, одамларни гаровга олиш ва террорчилик қилишдан иборат бўлган бундай диний оқимларнинг «Ислом давлати» қуриш ниқоби остида давлатимиз чегаралари ортида пайт пойлаб ётганлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Айримлари эса жойларда фаолият юритаётган диний ташкилотлар паноҳига суқилиб кириш пайида ҳам бўлмоқдалар.

Шу боис вилоятимиз адлия бошқармаси, прокуратура, ИИБ ва вилоят бош имом-хатиби билан ҳамкорликда иш юритиб, хавфсизлигимизга таҳдид солаётган диний экстремизмнинг салбий оқибатлари ҳақида жойларда турли тадбирларни мунтазам ўтказиб келмоқдалар. Уларда динни ниқоб қилиб олган оқимларнинг асл кирдикорлари фош этилиб, одамларни ҳамиша огоҳ бўлишга даъват этилаяпти. Айни чоғда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунининг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилишда ҳамда ушбу қонуннинг бажарилиши юзасидан қатор амалий ишлар қилинаяпти.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 300 га яқин диний ташкилотлар фаолият кўрсатаяпти. Уларни диний ва маърифий билимларни мукаммал билган, халқимизнинг урф-одатлари, қадриятлари ҳамда яшаш тарзидан бохабар, маҳаллаларда ҳурмат-эътибор топган кишилар бошқармоқдалар. Ўз навбатида имом-хатибларимиз ҳам жоме масжидларда қилаётган ваъзларида ҳукуматимиз олиб бораётган одил сиёсатни, кўрсатилаётган ғамхўрликларни ҳамда мусулмонлар ўртасидаги тинчлик, тотувликни қўллаб-қувватлаб, ҳар қандай бўҳтон, адоват ва ваҳималардан холи бўлишга чақирмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг динга оид қонунчилик ҳужжатларида, жумладан, «Диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўҳтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди» дейилган. Зеро, халқимиз мустақилликнинг дастлабки кунидан бошлаб ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлини танладилар. Бундай давлатда инсон ва виждон эркинлиги тўла намоён бўлади. Асрлар оша орзу этиб эришган эркинлигимизнинг яна топталишига асло йўл қўймаймиз.

Насрулло БЕРДИЕВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг бош маслаҳатчиси

Эргаш Жуманов 1994 йилдан бери Сирдарё вилоят божхона бошқармасида ишлаб, хизматда ўзини кўрсатиб келаяпти. Тажрибали божхона ходими Э.Жуманов икки йилдирки, 2-сонли "Наврўзобод" божхона масканида бошчилик қилиб, масканда қатъий тартиб-интизом ўрнатди.

Ўтган йилда 162 та ноқонуний ҳолат аниқланди. Шундан 6 та ҳолатда 9 нафар фуқаро гиёҳвандлик моддасини ноқонуний равишда олиб ўтаётганда ушланди ва 2 килограмм 700 гр. героин моддаси ушлаб қолинди.

Яқинда божхона хизмати подполковниги Эргаш Жумановнинг меҳнатлари муносиб тақдирланиб, у "Жасорат" медали билан мукофотланди.

Суратда: (чапдан) Эргаш Жуманов ҳамкасби Рустам Сариқулов билан мулоқотда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

БОЗОРЛАР ТЎКИНЛИГИ ЙЎЛИДА

«Ипак йўли» орқали бир-бирига боғланган бозорларимиз бугун яна гавжумлашди. Савдо дўконлари, расталар турли-туман маҳсулотларга бойиди. Шаҳар ва қишлоқларимизга файз кирди. Шарқона бозорлар анъаналари ривожланди.

Бозорларимизни янада яхшилаш, шарқ савдо маданиятини юксалтириш ҳамда баъзи камчиликларга барҳам бериш мақсадида Президентимизнинг қатор кўрсатмалари мавжуд. «Бозорлар фаолиятини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги Фармон, 2000 йил 22 июндаги «Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш» ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори шулар жумласидандир.

Фармон ва қарорлар ижроси билан қизиқиб, Жиззах шаҳридаги «Эски шаҳар» универсал бозорига бордик.

- Мустақиллик туфайли «Эски шаҳар» бозори қайта тикланди. Энди халқимиз бу ердан хоҳлаган молини харид қилиши мумкин. Ўзбек атласи-ю, фаранг либослари, олмон тақинчоқлари-ю, эрон гиламлари, хитой чинниси-ю, япон аудио-техникалари... - дейди бозор раиси муовини Ж.Иргашев. Бозор маъмурияти томонидан йиғиб олинаётган йиллик патта тушумлари жами бўлиб 16780300 сўмни ташкил қилади. Ана шу сумманинг 50 фоизи белгиланган тартибда бюджетга ажратилди. Бу 8390200 сўмни ташкил қилади.Бундан ташқари бозор жамоасига 2552300 иш ҳақи тўланди ва 145200 сўм вилоят касалхонасига хайр-эҳсон тариқасида ўтказилди.

Тадбиркорлар ва харидорларга қулайлик яратиш ниятида жамғармамиз ҳисобидан 2500000 сўм ажратилди. Ушбу маблағ 2000 йилда бозорни ободонлаштириш, жорий таъмирлаш, савдо расталари қуриш, бозор майдонини асфальтлаш учун сарфланди. Янгидан 448 ўринли савдо растаси қуриб, ишга туширилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишга мўлжалланган 300 ўринли савдо растаси сотувчи ва харидорлар учун қулай жойга кўчирилди. Келажакда замонавий гўшт растаси ҳамда узоқдан келиб савдо қилувчилар учун меҳмонхона қуришни режалаштираяпмиз.

Бугунги кунда шарқона савдо маданиятини ривожлантириш, сотувчи билан харидор ўртасидаги муносабатни яхшилашимиз керак. Чунки азалдан савдогар отабоболаримиз хайр-баракани сахийликда деб билганлар. Ҳар қандай молга бешдан бир устама қўйганлар ва ундан зиёдини ҳаром ҳисобланлар. Камбағаллар, йўқсилларга қарашганлар. Ўз оилаларини бут қилиб, қариндош-уруғга қайишишган. Инсонларни бундай хайрли ишларга кўпроқ ундаш учун Ҳотамтой тўғрисидаги каби ривоятлар эл оғзидан тушмаган. Бозоримизда ҳам бундай сахий ва ҳалол савдогарлар кўпчиликни ташкил этади.

Биз бозорларда адолат, диёнат устуворлигини, қонун ва фармонларга амал қилиниши истаймиз. Шарқ бозорлари маданияти имкон қадар юксалаверсин.

Қарор ва ижро

Шубҳасиз, Жиззахдаги «Эски шаҳар» бозорида бир талай ижобий ишлар амалга оширилган. Биз бу ишларни атрофлича ёритиш, аниқ мисоллар, фактлар олиш умидида бозор раҳбарлари билан бироз суҳбатлашмоқчи бўлдик. Бироқ қаердандир ўзини подполковник Зуҳриддин Шамсиддинов деб таништирган шахс пайдо бўлди ва мендан шахсимни тасдиқловчи ҳужжатларни сўради. Мени «ноқонуний текшириш ўтказаётганликда» айблади. Гарчи Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунининг 9-моддасида таҳририят ходими журналистик текширув ўтказишга ҳақли эканлиги таъкидланган бўлса-да, бозорда ҳеч қандай текширув ўтказилаётган эмас эди. Мақсад бозор фаолиятини ёритишдан иборат. Жаноб миршаб эса қилинмаган ишни қилиндига чиқариб, яна «ноқонуний» хатти-ҳаркат қилганликда айблаётир. Бундан ташқари бозор фаолиятини ёритишимиз учун рухсат олишимиз лозим бўлган бир нечта идоралар номларини бизга «ўргата» кетди. Бу ҳам етмаганидек, менинг паспортим ва хизмат гувоҳномамнинг ҳақиқийлигини, шахсимни аниқлаш мақсадида Жиззах шаҳар ички ишлар бўлимига олиб бориб, у ерда икки соатдан ортиқ ушлаб турди. Эртаси куни Жиззах вилоят прокурорининг ўринбосари Т.Ҳайиталиев аралашувидан сўнг ҳужжатларимни қайтариб олишга эришдим. Прокурор бўлган воқеа учун мендан узр сўраб, аслида у одам подполковник эмаслигини айтди.

«ДАРВОЗАБОН»

Бизни ўйлантирган нарса унинг кимлигиям эмас. Гап шундаки, ўша одамнинг гапига кириб, Жиззах шаҳар ички ишлар бошқармасидагилар ҳам менга худди оғир жиноят содир этган шахсдек муносабатда бўлишди. Инсоний қадру қиммат заррача эътибор берилмади.

Аслида бозордаги тартиб-интизомга жавобгар бўлган, жиноятларнинг олдини олиш учун бевосита масъул одамнинг бир мухбирни бекорга сарсон қилиб, бунинг устига дўқ-пўписа қилиши ҳайратланарлидир. Айнан Зуҳриддин Шамсиддинов каби шахсларнинг қонунларни билмаслиги, тушунмаслиги ҳуқуқий жамият қуриш йўлидаги муаммолар сабаби эмасми? Чунки у ҳам ўзини «қонун посбони» деб билади, пок, ҳалол, адолатпарвар, ҳақиқий қонун посбонлари сафига мансублик даъво қилади.

Биз эса уни ўз иши қолиб, бозор дарвозасида туриб, «Текканга тегиб, тегмаганга кесак отиб» ўтирувчи бир «дарвозабон» атагимиз келди. Зеро, бизга қилган муомаласидан, милиционер сифатида ўзини тутишидан, қонунчилик ҳақида сўзлашидан шундан бошқа нарсани англай олмадик.

Қаҳрамон ҲУСАНОВ,
«Инсон ва қонун»
махсус мухбири

Таъмагирлик

ГЎДАКЛАР ҲАҚИГА КЎЗ ОЛАЙТИРМАНГ!

Ёхуд Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли айрим болалар боғчаларида гўдакларнинг ризқига шериклик қилинаётганлиги ҳақида

Болакай «боғчага бормайман» деб навбатдаги хархашасини бошлади. Аввалига онаси уни одатдагидек алдади, авради. Йўқ, бўлмади. Боланинг ўжарлиги тутдими, у ўз айтганида қатъий туриб олди. Бир томондан ишдан кечикаётганлигини, иккинчидан боласининг инжиқлиги онанинг сабр косасини тўлдириб юбордими, она ўзини тута олмай, боласининг бетига тарсаки тортиб юборди. Қарангки, таёқнинг зарби, болани ҳам қуюшқондан чиқариб қўйди:

- Боғчага бормайман дедимми, бормайман. Ахир, кунбўйи оч ўтирсам, бериладиган озроқ нону чойни катта болалар тортиб олади. Боғча опамлар эса уйдагиларга овқат емаганларингизни айтманглар, ким айтса бурчакка қўйиб, курси кўтартириб қўяман, деб бизни қўрқитадилар...

Бу гапдан ҳангу манг бўлиб қолган она таслим бўлди. Аммо... она кечқурун ишдан қайтаётиб боғча томон бурилди...

Дарҳақиқат, бугун Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги халқ таълими бўлимига қарашли болалар боғчаларида ҳафталаб иссиқ овқат тайёрланмас экан, фикримизнинг исботи: жорий йилнинг 3 январидан 9 январигача 24-сонли болалар боғчаси олти кун мобайнида ўсимлик мойи ололмаган. Бу шунча кун иссиқ овқат тайёрланмаганидан далолат. «Санг устига порсанг» деганларидек, мазкур боғчада антиқа қилиқ чиқарилган, болалар ризқидан уриб қолиш ҳисобидан бойиш йўли танланган. Қандай қилиб дейсизми? Марҳамат эшитинг.

Ўтган йилнинг декабр ойида боғчага 342 кг. нон олиниши лозим бўлган ҳолда амалда 298 кг. олинган. Ёки белгиланганидан 44 кг. кам?! Боғча маъмурияти таъминот идорасидан 700 кг. сут олиш керак бўлгани ҳолда боғча опалари таъминотчилардан 150 кг. кам, яъни 550 кг. сут олган. Ёки 280 кг. ўрнига 121 кг. картошка олинган. Пахта ёғи, гуруч, сариёғ, макарон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам белгиланганидан анча кам олинган. Ўрнига, ажабо, болаларга яхна ичимлиги харжланибди. Қаҳратон қишнинг аёзли кунларида болалар-ку болалар, катта ёшдаги кишининг ҳам яхна ичимлик ичишдан елкаси тиришади.

Шаҳардаги 8-болалар боғчасидамиз. Бу ерда ҳам бериладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати паст, чўғи ундан-да кам. Боғчага 136 нафар бола ўрнига қатновчилар сони юзга ҳам етмайди. Ҳар куни 45-50 та бола боғчага қатнащдан безган.

Хуллас, бундай болалар насибасига кўз олайтирувчи, савияси пастликларга бефарқ қараб туриб бўлмайди. Ўйлаймизки, юқорида келтирган бирикки мисол орқали тегишли мутасадди идораларда бу масалаларга ёндашув, эътибор ўзгаради.

Шаҳоб ОБИДОВ,
Каттақўрғон шаҳар прокурори

ХОЛИҚ ХУРСАНДОВНИНГ СЕҲРЛИ ЧЕМОДАНИ

Талабалик йиллари... Холиқ Хурсандов терлаб-пишиб каттагина фанердан ясалган чемоданини кўтариб кулбамизга кириб келар, биз эса «очофатлардек» чемоданга ташланардик. У мийиғида кулиб бизни кузатиб турар, чемодан эса... турли суяк, ҳар хил тошлар билан лиқ тўла бўларди. «Хаёлпараст-да, бу катари», деб ўзимизча кулиб қўярдик.

Бойсунда «Катаригузар» деган маҳалла бор. Шу маҳалладан санъаткорлар, дорбозу масхарабозлар, олимлар етишиб чиққан. Ҳатто адабиётимизнинг забардаст ёзувчиси Шукур Холмирзаев ҳам гузарнинг қоқ киндигидан. Бойсунликлар бу маҳаллада яшовчиларни «катарилар» деб аташади.

Холиқнинг орзуси тарихчи археолог бўлиш эди. Тошкентда ижарада бирга яшардик. Хонамизнинг бурчагида тарихий китоблар қалашиб ётар, Холиқнинг бизга таниш ўша чемодани ҳар сафар қишлоққа қайтишда, шаҳардан олинган совға-саломларга эмас, китобларга тўлиб қайтар эди.

Талабалик йиллари Холиқ Хурсандов машҳур олим Яҳё Ғуломов, ўлкашунос Г.В.Парфеновларга шогирд тушди, ҳатто Ленинград университетига йўлланма ҳам олди. Ўша йилларда Марказда чиқадиган газеталардан бирида «Камень Халика Хурсандова» деган каттагина мақола ҳам чоп этилганди.

Тақдир шамоли Холиқни бошқа томонларга суриб кетди. Орадан йиллар ўтди. «Бойсун» фольклор-этнографик халқ ансамблининг қўшиқлари нафақат собиқ иттифоқда, балки чет элларда ҳам таралди. «Бойсун» дастаси ўнлаб халқаро фестивалларда миллатимиз байроғини баланд кўтариб, муваффақиятли қатнащди. Бу даста Буюк Британия, Туркия, Франция каби мамлакатларда ўзбек санъатини намойиш этди. Дастанинг ижодий фаолияти ҳақида бир қанча филмлар суратга олинди. Қўшиқлари китоб ҳолда нашр этилди. Лекин бу дастанинг юксак парвози, ютуқларида Холиқ Хурсандовнинг ҳам ижодий меҳнати борлигини жуда кам одам билади.

Сиз радио ва телевизорда, Наврўз байрами шодиёналарида кўп кўрган, эшитган «Ололмайсан-а», «Жакала», «Яку-як», «Сўзхотин», «Кампир олиб берайми, дадажон!», «Ҳалинчак», «Майда-ё, майда»каби ўнлаб қўшиқларнинг сўзлари, куйи муаллифи, биринчи ижрочиси ҳам Холиқ Хурсандовдир. Ҳозир ҳам Холиқ қайта жон киритган ана шу қўшиқлар мамлакатимиз бўйлаб баралла янграмоқда. Айримлар бу қўшиқларни ўзиники қилиб олгани ҳам сир эмас. Ҳатто бир эпчил дўстимиз шу қўшиқлардан иборат тўпламини чиқаришга ҳам улгурди... Шу ҳақда Холиқдан сўраганимда:

- Майли-да Собир, айта беришсин! - дейди майин жилмайганича.

Яқинда Х.Хурсандовнинг ижодхонасида бўлдим. Кўзим стол тагидаги ўша 30 йил илгари менга таниш фанер чемоданга тушди.

- Ҳалиям ичи тўла суяк-салоқми? - дея ҳазиллашиб сўрадим чемоданга имо қилиб.

Холиқ одатича майин кулиб, чемоданни очди, ичи тўла қисса, роман, драмматик асарлар!

- Манов охиргиси, - деди Холиқ энг тепада турган қўлёзмани кўрсатиб. - Драма!

Ўтган йили Термиз, Каттақўрғон, Фарғона театрларида «осмондан» тушган драматург Холиқ Хурсандовнинг «Кампир олиб берайми, дадажон» номли музикали комедияси муваффақиятли намойиш этилди. Шунингдек, унинг қаламига мансуб «Ўлдинг, азиз бўлдинг» номли асар Термиз, Қарши театрларида саҳна юзини кўрди.

Олис бир тоғ қишлоғида ижод этаётган драматургнинг асари аста-секин пойтахт театри саҳнасига ҳам келди. 2001 йилнинг 10 январ куни Тошкентдаги Муқимий номли ўзбек мусиқали драма театрида унинг «Ўлдинг, азиз бўлдинг» асари тақдимоти муваффақиятли ўтди. Театр актёрларининг катта завқ ва самимият билан рольларни ижро этганларидан билдимки, асар, авваламбор актёрларга ёққан!

Истеъдодли режиссёр Баҳодир Назаров бу асарни беҳуда танламаган кўринади. Театрга бу томошага тушиш нияти билан келган томошабинлар чипта ололмасдан қолишгани ҳам муболаға эмас...

Холиқ Хурсандов биргина қўшиқчилик ёки драматургия эмас, насрда ҳам кучини синаётган ижодкордир. Унинг «Чопон кийган аёл» қиссаси «Ёшлик» журналида босилиб, китобхонни бефарқ қолдирмади. Унинг «Ўлганлар ёлғон гапирмайдилар» номли романни ёзиб тугатганидан ҳам хабарим бор.

- Нега илгарироқ ҳаракат қилмадингиз? - деб сўрадим ундан. - Чемодандаги асарлар қачон чиқади?

- Ҳа, энди аста-аста-да, - дея мулойим жилмайиб қўйди Холиқ.

Гурунгда гап яна Муқимий театрида қўйилган асарига тақалди.

- Асар қанчалик яхши бўлмасин, барибир унинг муваффақияти театр режиссёри ва актёрлар маҳоратига боғлиқ. Мен режиссёр Баҳодир Назаровдан ҳам, театр актёрларидан ҳам беҳад хурсанд бўлдим. Шуларга раҳмат! - дейди Холиқ.

Холиқ Хурсандовнинг ижодидаги ёрқинлик, самимийлик холислигидадир.

Ижодкор хонасидан чиқа туриб, яна ўша эски фанер чемоданга қарадим. Буни Холиқ ҳам сезди. Иккаламиз беихтиёр кулиб юбордик...

Собир ЁДИКОВ,
«Инсон ва қонун»нинг махсус мухбири

Раҳбарларнинг қишки ўқуви

ҚОНУНГА СУЯНГАННИНГ ҚЎЛИ БАЛАНД

Воҳа деҳқончилик саноати мажмуи раҳбарларининг бир ҳафталик ўқувида қонунчиликнинг долзарб муаммоларига алоҳида аҳамият берилди.

Замон уққанники, ўқиганники, излаганники, интилганники. Қобилу қодирликнинг бу намунаси ўзгаларни ўзига эргаштирувчи раҳбар-ишбошилар учун, айниқса, кўпроқ зарур. Биласиз, қишлоқ муаммолари, айни пайтда ибратли ишлар, тажрибалар, бошламалар бугун анчагина. Муаммоларнинг ечим калити омилкорликда, билим, маҳорат ва ўткир салоҳиятда. Оммалаштирилмаган тажриба ва бошламалар эса мисоли ҳоври, тафти йўқ аланганинг ўзгинаси. Бу каби долзарб масалаларни муваффақиятли суратда ҳал этмоқ учун етарли билим ва малака зарур. Боз устига илм олиш, ўқиш ва ўрганиш узлуксиз жараёнга айлантирилмоғи даркор. Билим ва малака ечимталаб муаммо ва масалаларга ҳар қадамда бир дуч келаётган аграр соҳа мутасаддиларига айниса кўпроқ зарур.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг тавсиясига мувофиқ Хорезм вилояти ҳокимлиги томонидан уюштирилган қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари ўқуви бу соҳада яхшигина мактаб вазифасини ўтади. Асосий эътибор омилкорлик сирларини эгаллашга қаратилди. Зеро, буйруқбозлик ва қоғозбозликдан чекиниб, омилкорликка, илғор тажрибалар ва бошламаларга, фан-техника ютуқларига суянган, қўл берганнинг иши ҳамиша бароридан келади.

Қишлоқдаги ишбошилар ўқувини кузатиб, муқаддам бўлганидек ўргатишга бўлган иштиёқдан кўра ўрганишга бўлган иштиёқни кўпроқ пайқадик. Фикрлар, мулоҳазалар, савол ва сўровларнинг аксарияти тингловчилар томонидан ўртага ташлангани, ҳар бир маъруза ва машғулот қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлгани, муаммолар дадил кўтарилгани ва унинг ечими йўллари ҳам таклиф этилгани фикримиз далили. Ўқувларнинг ташкилотчилари, машғулотларга бош бўлган олим-домлалар ҳам аслида шуни исташганди. Натижа шу бўлдики, назарияни амалиётда қўллаш борасида ҳукм сурган айрим ажралишлар, бўшлиқ ва ноаниқликлар барҳам топди. Амалиёт ва фаолият миқёслари тўлалигича назарияга боғланадиган бўлди. Бу эса ютуқлар даракчиси. Бинобарин, назария кўмагида ечимини топадиган муаммолар вилоятда оз эмас. Ҳосилни Амударё сувига қараб чамалашдан кўпам наф йўқ. Илмни, омилкорликни ишга солса, озгина сув билан ҳам мўлжалдаги хирмонга етишиш мумкин. Ўтган йилги сув тақчиллиги олдида қўл қовуштириб, ноқобиллигини намойиш этган, оқибатда ҳосилни ҳам, даромадни ҳам бой бериб, илғорлардан анча ортда қолган хўжаликларнинг раҳбарлари ушбу ўқувлардан етарли сабоқ олган, хулоса чиқарган бўлсалар ажабмас.

Бир ҳафталик ўқувлар жараёнида қишлоқда бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, бошқарув усулларини такомиллаштириш, ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, ижтимоий муҳофаза чораларини кучайтириш, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини ҳаётга тўла татбиқ этиш, ер, сув, техника ресурслари ва бошқа воситалардан самара олишни кўпайтириш, қўшимча даромад манбаларини излаб топиш ва улардан фойдаланишни тубдан яхшилаш йўл-йўриқлари атрофлича ўрганилди. Ўқув машғулотларининг муайян қисми қонунчилик ва ҳуқуқий муносабатларга бағишлангани, тингловчилар олдида вилоят адлия, суд, прокуратура, солиқ, божхона ва банк тизими раҳбарлари турли маърузалар билан чиқишгани айни муддао бўлди.

Тингловчилар ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, вилоят ҳокими И.Бобожоновлар сўзга чиқдилар. Машғулотларни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўтамов бошқарди. Машғулотларда Республика Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари О.Ёқубжонов, Президент девони бош консультанти А.Омонов, вилоят ҳокимининг муовини Б.Исмоилов, академик А.Саъдуллаев, Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригация муҳандислари институти олимлари: А.Султонов, А.Азларов, С.Авазбоев, Т.Абдуллаев, С.Сулаймонов, республика бозор ислоҳотлари илмий тадқиқот институти директорининг ўринбосари Т.Маматвалиев, шу институтнинг катта илмий ходими М.Қосимов, вилоятдаги тегишли бошқармалар, идоралар, ташкилотларнинг раҳбарлари, етакчи мутахассислари турли маърузалари билан чиқдилар.

Ўқув қатнашчилари компьютер техникаси ёрдамида тест синовларидан ўтишди. Пировардида уларга малака ҳайъатининг гувоҳномалари топширилди. Ўқувлар вилоят қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи идоралар, ташкилотлар, муассасалар, корхоналар раҳбарлари иштирокидаги амалий давра суҳбати билан ниҳоясига етди.

А.СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири



Баҳор яқин...

Насиҳатлар дафтаридан

ТЕША, РАНДА ВА АРРА

Бир дурадгорнинг ўғли, тақдир тақозоси билан қозилик мансабига ўтирибди. Шунда ота ўғлига насиҳат қилибди:

- Ўғлим, агарда ёғочни теша билан йўнсанг, теша ёғоч пайрахасини фақат ўз томонига тўплайди, бирортаси ҳам ташқарига учиб чиқмайди. Демак, хизматингда теша каби фақат ўз манфаатингни ўйловчи бўлма, бошқаларга ҳам ёрдаминг тегсин.

Агар ёғочни ранда билан йўнсанг, ёғоч қириндилари фақат бир томонга, ранда йўналтирилган томонга, яъни ташқарига учади. Бирор пайраҳа ҳам ўз томонида қолмайди. Демак, ранда каби ҳам бўлма, бор кучингни бошқаларга сарфлаб, ўзинг муҳтожликда қолсанг, бу ҳам адолатдан эмас. Аммо ёғочни арраласанг, у ҳар икки томонга баравар қипиқ тўкади. Демак, арра каби иш тут. Ёғочни тенг кес. Икки тарафга ҳам нафинг, ўзингга ҳам, бошқаларга ҳам фойданг тегсин. Буни сахийлик ва саховат дейишади.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Газетамизнинг бўлим мухаррири Арофат Ортиқованинг 24 февраль – таваллуд топган куни билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга сиҳат-саломатлик, ижодий ишларида зафарлар тилаймиз.

«Инсон ва қонун» жамоаси.

Аттанг!

"ҚАШҚАТАЁҚ" ЎСМИР ФОЖЕАСИ

Агар палагига "гул" чиқиб, меҳрдан мосуво бўлиб ўсмаган бўлса, ҳеч қайси бола куч-қувватга тўлиб, жиноятчи бўлиб кетавермайди. Бироқ "отани кўрган ўқ йўнар, онани кўрган тўн бичар" деган қадимий мақол ҳам борда. Айниқса, ўғил бола отадан, қиз бола онадан улги олиши ҳам бор гап.

Бола тарбиясида қўниқўшни, маҳалла-қўйнинг ибрати, даъвати, эътиборли назари ҳам беқиёс кучга эга. Тарбиядаги узилиш, бир болага етти маҳалла тугул бир маҳалланинг ҳам эътибори бўлмагани оқибатда бир ўсмир жиноят оламига мўраласа, индинга кеч бўлади. Биргина мисол: Шаҳрисабз туманининг Амир Темур жамоа хўжалигига қарашли "Янги ҳаёт" қишлоғида туғилиб ўсган Шарафиддин Пардаев 16 ёшга тўлмай жиноят кўчасига кирганда, ҳамма бирдай унга эътибор берганида, болакай "тузалиб" кетган бўлармиди? Афсуски, бундай бўлмади.

"Кўр-кўрни қоронғуда топибди" деганларидек, Шарофиддин ўзига ўхшаш Рустам Сафаров деган йигитча билан ўзаро тил бириктириб, такроран ўғирликка қўл урди. Қишлоқдоши Рўзиев Неъматнинг ҳовлисига девордан ошиб киришиб, оғилхонаси олдида боғлиқ турган қора тусли, бозорнинг бошидаёқ 40 минг сўм оладиган, бир бош, уч ёшли ғунажинни ўғирлаб чиқишиб, Китоб шаҳрига ҳайдаб боришиб ноъмалум шахсга 27.000 сўмга сотишиб, пулини ўзлаштириб юбордилар. Ўғригина бола кўрдики мўмай пул топишнинг яхши усули-ўғирлик. Хайриятки иккинчисида кўришмади. Демак, учинчисини ҳам қилса бўлади. Гарангсибгина кўча айланди. Шаҳрисабз шаҳрининг Носир Бердиев кўчасидаги 29-уйни рўпарасига келиб шу жойдаги майдонда боғлоқлик турган Раҳимов Халилга тегишли бўлган, бир ёшли қўнғир тусли 25.000 сўмлик бузоқни қозиғидан ечиб етаклаб қолди. Йўлда Усмон Юсупов номли кучанинг 16-хонадони дарвозасини тақиллатди. Уй эгаси Баҳодир Муҳаммадиев чиқиб ҳайрон бўлиб турганда синиққина охангда деди:

- Кечирасиз акажон, жуда пул зарур бўлиб қолди, бошқа иложимиз қолмади, отам Қарши шаҳридаги "Шайхали" посёлкасида жазони ўтаяпти, ўшақда мазаси қочиб қопди, бир нарса бериб, шуни олиб қолинг, - дея ялинди ва 10.000 сўмни олиб жуфтакни ростлаб қолди.

Орадан бор-йўғи 7 кун ўтказиб, яна ўғирликка қўл урди. Шаҳардаги Мирзо Ғолиб кўчасида Юсупов Нуьмон деган шахсга тегишли оқ-қора тусли, бир ёшли 30.000 сўмлик ҳўкизни етаклаб кетди. Бошқа кўчага олиб бориб, Раҳматуллаев деган шахсга 15.000 сўмга пуллади.

Ҳайрон қоласан киши. Шарафиддин-ку инсофу диёнатни унутиб, тубанлик ботқоғига ботибди, ўйламай-нетмай бировнинг яхши-ёмон куни учун асраб юрган молини етаклаб бозорга ёки бировнинг эшигига сотгани олиб келибди. Бу тушунарли. Аммо унинг қўлидан суриштириб нетмай, арзон гаров пул бериб молни сотиб олиб қолган кимсани қандай ном билан аташ мумкин? Беparволик ҳам шунчалик бўладими? Қаранг-а, ҳамшаҳарларидан бири молини йўқотиб, чирқираб излаб юрибди, иккинчиси эса хотиржамгина, арзонгаровга мол сотиб олганидан хурсанд. Ўғрининг тегирмонига сув қуйиш ҳам имонсизлик эмасми? Хиёнат ва қабиҳлик ўз вақтида жиловланмаса, навбатдаги разилликни туғиб бериши ҳеч гапмас. Шарафиддин сўнгги ўғирликни "ҳазм" қилиб, орадан бор-йўғи бир кун ўтгач, оқшомда туман ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳига келдию, номус ўғрилигига жазм этди. Г. исмли вояга етмаган қизчага нисбатан жисмоний зўрлик ишлатиб, пичоқ ёрдамида ўлдириш билан қўрқитиб, ваҳшийлик билан унинг номусига тажовуз қилди. Ана қабоҳату мана қабоҳат!

Вояга етмаган хавфли рецидивист Шарафиддин Пардаев вақтида қўлга олиниб, барча қилмишлари учун қонуний жазосини олди. Бироқ фожеанинг илдизларига чуқурроқ назар ташлаш, ён атрофимизда биз билан ҳамнафас, аммо ҳамиша катталар назоратига муҳтож бўлган ўсмирлар ҳаётига эътибор билан қарашимиз ниҳоятда зарурлигини яна бир карра эслатмоқчимиз холос.

Маҳмуд ЎЗБЕКОВ,
Шаҳрисабз туманлараро прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Узоқ БОЗОРОВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Рўзибой САИДОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-945 Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00
Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: А. ОТАБОЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: Л. КУЛИШОВА
Компьютерда матн терувчи: М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси 5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.